

ЎЗБЕКИСТОНДА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Фаррух Исломов

ҚарМИИ эркин изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7376290>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда алкоголизмга қарши курашнинг ҳуқуқий-норматив асослари ҳақида сўз боради. Мутақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган чора-тадбирлар кенгроқ ёритилади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, қонун, алкоголизм, спиртли ичимлик, психотроп восита, мафкура, жиноят, профилактика.

Дунё миқёсида алкоголизм, кашандалик заҳарвандлик ва гиёҳвандлик каби миллат генофондига инсон зурриёдига насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи касалликлар, зарарли одатлар кўпайиб бормоқда. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, инсонларга саломатликни сақлаш ўз қўлларида эканлигини сингдириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тегишли қонунлар билан чеклаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи, қолаверса, хорижий мамлакатлар тажрибаси яққол кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда алкоголизмга қарши курашнинг ўзига хос миллий тизими ва норматив-ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, миллий қонун нормалари такомиллаштирилиб, Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази «Оила» илмий-амалий маркази, Маънавият тарғиботи маркази ташкил этилди. Бунинг натижасида фуқароларда мафкуравий имунитет шакллантирилди, алкоголизм билан алоқадор жиноятларнинг камайишига эришилди.

Қатор муаллифларнинг фикрича спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида инсон организмида турли ўзгаришлар рўй беради¹. Мастлик инсон бош миясига сезиларли даражада таъсир қилувчи модданинг одам организмига киритилиши натижасида руҳий ҳолатнинг ёмонлашувидир². Алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш инсон организмига, биринчи навбатда, унинг асаб тизимига шикаст етказди ва турли ўткир ҳамда

¹ Садыков Ж., Каракетов Ю. Маскунемлик, нашебентлик, гиябентлик, жынаятшылык хам нызам ҳаққында – Ноқис. Қарақалпақстан, 1992.-Б. 88.

² Файзуллаева т. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш муаммолари Юрид. фан номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... - Т., 2009. – Б. 90.

сурункали руҳий касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Алкоголь маҳсулотни унча кўп бўлмаган дозаларда истеъмол қилинганида ҳам инсоннинг ҳаракатланиш ва руҳий фаолиятини издан чиқаради. Бундай шахсда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати кўпинча ташқи омиллар таъсирисиз, осонгина вужудга келади, ўзини тийиб туриш, атрофида юз бераётган воқеаларни тўғри идрок этиш қобилияти йўқолади. У манман, мақтанчоқ, инжиқ одамга айланади ҳеч бир сабабсиз муштлашиш учун ташланади, бошқа шахсларга нисбатан зўрлик ишлатади.

Ўзгаришларнинг чуқурлиги уларнинг амалда намоён бўлиш хусусияти ва даражаси ҳар хил бўлади ҳамда истеъмол қилинган алкогольли ичимликларнинг дозаси шахснинг жисмоний ҳолати (силласи қуриш, толиқиш, ҳаяжонланиш) билан белгиланади. Бундай ҳолат тиббиёт соҳасида эълон қилинган ишларда ҳам алоҳида қайд этилади³.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги (2011), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан бир қаторда спиртли ичимликларни асосан гиёҳвандликка йўлиқишдан олдин алкогольга ружуъ қўйган шахслар истеъмол қилади (спиртли ичимликлар истеъмол қилувчиларнинг 27,8%и). Аниқланган ҳолатларнинг 6,9 %ида шахслар гиёҳвандликка йўлиқишдан олдин руҳиятга кучли таъсир кўрсатадиган моддаларни истеъмол қилганлар, 6,5 оида эса гиёҳвандлик воситаларига заҳарвандлик воситаларини истеъмол қилгандан кейин ружуъ қўйганлар.

Мамлакатимизда алкоголь маҳсулотларини нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш ҳозирги вақтда энг жиддий ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланишига қарамай, алкоголизмга қарши кураш асосан жазо — жиноят ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари ёрдамида амалга оширилади. Аммо мамлакатда жиноятчилар сонини камайтириш учун фақат жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган чораларни қўллашнинг ўзи кифоя

³ Занин Е.Б. Клинико-катамнестическое исследование раннего алкоголизма. II Автореф. дисс. ... канд. мед. наук. – Челябинск, 2000. –С. 24; Карлов В.А. Неврология. / Руководство для врачей. – М., 1999. -С. 28–36; Сафуанов Ф.С. Психологическая типология криминальной агрессии. // Психологический журнал. 1999, Т. 20. №6. –С. 12.

қилмайди. Мамлакатда гиёҳвандликнинг тарқалишини камайтириш учун алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилувчи шахсларни даволаш бўйича реабилитация марказларини ташкил этишга эътибор янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига биноан, алкоголь маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотиш тақиқланган. Бундай тартибни сурункали алкоголизмга дучор бўлганлар учун ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ундай шахслар учун мазкур таъқиқ шифокор «алкоголь» дея ташхис қўйган вақтдан эътиборан кучга кириши лозим. Шунингдек, 8-12 соат вақт оралиғида спиртли ичимликлар истеъмол қилишни темир йўл хизматчи ходимлари, ҳайдовчилар, сув ва ҳаво транспорти хизматчилари ва бошқа ошиқча хавф манбаига боғлиқ бўлган касб вакилларига нисбатан ҳам татбиқ этиш лозим.

Алкоголизмга қарши курашда жиноят-ҳуқуқий чораларни кучайтириш борасида маст ҳолатда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш амалиётини тартибга солиш, бундай қилмишлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш лозим. Бу вазифани ЖКга маст ҳолатда содир этилган жиноятларни квалификация қилишга доир қоидаларни мустаҳкамлаш орқали ҳал қилиш мумкин. Мазкур механизмни ЖКга «Маст ҳолатда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш» деб номланган 57-моддани киритиш орқали жорий этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни 26-моддасида гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари куйидагилардан иборатлиги белгиланган: 1) гиёҳвандлик воситалари психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 2) мастлик ҳолатида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш, 3) гиёҳвандлик

воситаларини психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни саклаш ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш⁴ каби муҳим масалалар кўзда тутилган.

Албатта, Қонуннинг мазкур нормаси умумий хусусият касб этиб, унда гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси масаласига етарлича махсус даражада ёндашилмаган бўлсада, унда гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги белгиланган.

Гиёҳвандлик оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда бу соҳада тўпланган тажрибани илгари кўрилган чораларнинг самарадорлиги даражаси ҳисобга олиниши лозим.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига кўра, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари зиммасига алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик руҳий касалликлар, ОИВ ва бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва ҳ.к ларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Афсуски, соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолияти айрим нуқсонлардан холи эмас. Улар жумласига: даволаш жараёнининг яхши ташкил этилмаганлиги, беморлар билан реабилитация иши лозим даражада олиб борилмаслиги, меҳнат билан даволашнинг кўпинча мижоз шахсининг хусусиятларини ҳисобга олмасдан ташкил этилиши, баъзан ўта қаттиқ режим ўрнатилишини киритиш мумкин⁵.

1. Алкоголизмнинг қуйидаги сабабларини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) оилавий муҳит, тарбиянинг яхши эмаслиги ёки катталар ичкиликбозлиги; 2) аксарият шахсларда оилавий ёки ҳаётдаги «чигат» муаммоларнинг кўплиги ва уни ҳал қилиш йўллари топа олмаганлиги; 3) спиртли

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

⁵ Гришко А.Я. Концепция социально-медицинской и гражданскоправовой реабилитации лиц, больных наркоманией, предупреждение преступлений, совершаемых ими. – Рязань, 2005.-С. 219-23

ичимликлар истеъмол қилиш «анъанаси» (тўй, туғилган кун, битирув оқшоми ва ҳ.к.); 4) тараллабедод, пассив ҳаёт кечириб кетилиши; 5) алкоғолизмга қарши тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори даражада эмаслиги; б) жамоатчилик назоратининг етарли даражада эмаслиги.

2. Алкоғолдан мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг кримнологик тавсифини ўрганиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

– алкоғолизм ва гиёҳвандлик жамиятда тобора кенг тарқалмоқда;

– алкоғолли ичимликлар истеъмол қилишга ружуъ куйишни белгилайдиган асосий омил ички зиддият ҳисобланади. Мазкур жараёнга иқтисодий, ижтимоий маданий омиллар, туғма аномалиялар ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Вояга етмаганлар алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиши катталар томонидан қораланмайди. Вояга етмаганларнинг аксарияти алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишга ўз оила аъзолари, яқинлари ва дўстлари даврасида жалб этилади.

Ўтказилган қатор тадқиқотларда «алкоғолизм билан боғлиқ жиноятчилик» қуйидагилардан ташкил топиши асосланди:

биринчидан, алкоғолли ичимликларни истеъмол қилган ёки уларни суистеъмол килувчилар томонидан содир этилган жиноятлар йиғиндисидан: иккинчидан, содир этилиши ижтимоий салбий иллат - алкоғолизмнинг мавжудлиги билан белгиланадиган жиноятлар йиғиндисидан,

учинчидан, алкоғолизмнинг тарқалишига бевосита имконият яратувчи жиноятлар (вояга етмаган шахсларни ичкиликбозликка жалб қилиш ёки уларни мастлик ҳолатига солиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш учун жойлар ташкил этиш ёки уларни сақлаш ёки биноларни шу мақсадда сурункали равишда тақдим этиш ва ҳ.к.) нинг умумий сонидан;

тўртинчидан, маст ҳолдаги шахснинг жиноят содир этишига бевосита имконият яратган қилмишлар (транспорт воситаларининг техник ҳолати ёки улардан фойдаланиш учун масъул шахс томонидан маст ҳолдаги ҳайдовчиларни транспорт воситаларини бошқаришга қўйиш, мансабдор шахслар томонидан ўз вазифаларига совуққонлик билан қараш, яъни маст ҳолдаги шахсларни портлаш хавфи мавжуд бўлган корхоналарда ишлашга кончилик ёки қурилиш ишларини бажаришга қўйиш ва ҳ.к.)нинг умумий сонидан – деган хулосаларга келинган.

Физиологик мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги масаласи ҳам олимлар томонидан турлича талқин қилинади: биринчи гуруҳдаги олимлар, мастлик ҳолати жазони

енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди, иккинчи гуруҳдагиларнинг фикрича, мастлик ҳолати жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади, учинчи гуруҳдаги олимлар оғир патологик мастликда шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англай олмаслиги (акли норасолик) туфайли жиноий жавобгарликка тортилмаслигини таъкидлашса, тўртинчи гуруҳдаги олимлар оғир даражадаги маст ҳолда шахслар ақли расоликни йўқотадилар, аммо содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилишлари лозим, дейдилар, шунингдек, бешинчи гуруҳдагиларнинг фикрича, ҳар қандай даражадаги маст ҳолдаги шахслар ақли расодирлар ва содир қилган қилмиши учун жавобгар бўладилар.

Мана шундай салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан керакли ҳуқуқий асослар яратилди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
2. Садыков Ж., Каракетов Ю. Маскунемлик, нашебентлик, гиябентлик, жынаятшылық ҳам нызам ҳаққында – Нокис. Қарақалпақстан, 1992.-Б. 88.
3. Файзуллаева т. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш муаммолари Юрид. фан номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... - Т., 2009. – Б. 90.
4. Занин Е.Б. Клинико-катамнестическое исследование раннего алкоголизма. II Автореф. дисс. ... канд. мед. наук. – Челябинск, 2000. –С. 24;
5. Карлов В.А. Неврология. / Руководство для врачей. – М., 1999. -С. 28–36;
6. Сафуанов Ф.С. Психологическая типология криминальной агрессии. // Психологический журнал. 1999, Т. 20. №6. -С. 12.
7. Tashpulatov B. S. LOOKING AT THE HISTORY OF MEDICAL EDUCATION SYSTEM (ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN) //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 176-181.
8. Muminova G., Tashpulatov B. POLITICAL REPRESSIONS DURING THE PERIOD OF COLLECTIVIZATION IN UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF KASHKADARYA REGION) //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 725-729.
9. <https://lex.uz>